

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. Tar.20.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМУРАТОВ ГУЛМУРАТ СУЛТАМУРАТОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТ ТАРЗИ
ТАРИХИ
(1941-1945 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Алламуратов Гулмурат Султамуратович Қорақалпоғистоннинг кундалик ҳаёт тарзи тарихи (1941-1945 йиллар)	3
Алламуратов Гулмурат Султамуратович История повседневной жизни Каракалпакстана (1941-1945 гг.)	25
Allamuratov Gulmurat Sultamuratovich The history of everyday life in Karakalpakstan (1941-1945)	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМУРАТОВ ГУЛМУРАТ СУЛТАМУРАТОВИЧ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТ ТАРЗИ
ТАРИХИ
(1941-1945 йиллар)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD./Таг221 рўйхатга олинган.

Диссертация Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://karsu.uz>) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Джумашев Аскар Мамбетович
тарих фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий тақризчилар: Базарбаев Раҳимназар Жуманазарович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент
Бекимбетов Баҳадыр Мырзабаевич
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Урганч давлат университети

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Таг.20.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 «25» 11 куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: karsu.info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 101 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 230100. Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, №1. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49.)

Диссертация автореферати 2022 йили «11» 11 тарқатилди.
2022 йил «11» 11 даги № 12 рақамли реестр баённомаси



Р.Б.Баллиева
Илмий даражалар бериш бўйича
Илмий кенгаш раиси, тарих фанлари
доктори, профессор

Х.М.Оттегенов
Илмий даражалар бериш бўйича
Илмий кенгашнинг илмий котиби,
фалсафа доктори, PhD

Б.А.Кошанов
Илмий даражалар бериш бўйича
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, тарих фанлар доктори,
профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг турли нуқталарида ҳозирга қадар геосиёсий кескинликни сақланиб қолаётганлиги, умуминсоний кадриятларни улуғлаш, яқин ўтмишда бўлиб ўтган тарихий жараёнлардан тўғри хулосалар чиқаришга ундайди. Жаҳон ҳамжамиятининг уруш даврига бўлган катта эътибори жаҳон уруши сюжетлари жамоавий хотирада ханузгача катта аҳамиятга эга. Маданиятнинг сезиларли даражада катта қисми Иккинчи Жаҳон уруши тарихига бағишланган бўлиб, ҳозир ҳам уруш йилларида содир бўлган воқеалар ҳақида асарлар яратилмоқда ва бутунжаҳон жамоатчилиги учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Дунё миқёсида 1941-1945 йиллардаги урушнинг айрим муаммоларини қайта кўриб чиқиш ва қайта баҳолаш, урушнинг оғир, беҳаловат кунларида тинч аҳолининг турмуш шароити, кундалик ҳаёти, меҳнат амалиёти, одамларнинг хулқ-атвор мотивларини қайта қуриш, урушнинг мамлакат, ёки алоҳида минтақа аҳолиси ҳаётидаги аксини тадқиқ қилишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши даври ҳаётини акс эттирган музейлар, тарихий мажмуаларни барпо қилиш, фронт ортидаги кишиларнинг ҳаётини акс эттирган ҳужжатли фильмлар ва бадиий асарлар яратиш, ўзида тинч аҳолининг уруш давридаги ўй-кечинмаларини тасвирлаган бадиий композицияларни яратиш, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маданий асарларни кўпайтиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини эъзозлаш, вафот этганларни хотирлаш, фронт ортидаги матонатли меҳнати завод ва фабрикаларда, қишлоқ хўжалиги соҳасида қаҳрамонлик намуналари кўрсатган аждодларимизнинг номини улуғлаш, айниқса Ўзбекистон халқининг инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва ғамхўрлик туйғуларини намоён этувчи бадиий асарларни яратиш ва илмий тадқиқотларни қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, “Иккинчи жаҳон уруши тўғрисидаги бор ҳақиқатни аниқлаш ва халқимизга етказиш, аждодлар хотирасини абадийлаштириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак”¹. Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон уруши даврининг тарихий тажрибасини таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш, Қорақалпоғистон аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ҳаётига уруш вақтидаги фронт орқасидаги аҳолининг ҳақиқий аҳоли ва ҳаётини кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2022 йил 29 апрелдаги ПФ-127-сон “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонлари ва 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-4495-сон «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 9 май 2021 йил. // <https://president.uz/ru/lists/view/4335>

Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республиканинг фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси². Мавзуга оид тадқиқотларни даврий нуқтаи-назардан ҳамда тадқиқотлар объектдан келиб чиққан ҳолда учта гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) совет давридаги тадқиқотлар;
- 2) мустақиллик йилларидаги Ўзбекистон тарихчиларининг илмий ишлари;
- 3) 1990 йиллар охири ва XXI аср бошидаги Қорақалпоғистоннинг тарихчи ва тадқиқотчиларининг илмий изланишлари.

Тарихшуносликнинг умумий шарҳи шуни кўрсатадики, Иккинчи жаҳон уруши ҳақида кенг қамровли адабиётлар мавжуд бўлса ҳам, уларда Қорақалпоғистон аҳолисининг кундалик ҳаёти доир алоҳида тадқиқотлар мавжуд эмас. Улар мавзунинг айрим жиҳатларини акс эттирган, холос. Мавзунинг долзарблиги ва тадқиқотларнинг етарли даражада эмаслиги ушбу мавзуга қизиқишни уйғотди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-176-06 «Қорақалпоғистонда демографик жараёнлар тарихи (XX асрнинг 30-40-йиллари)» номли фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1941-1945 йиллардаги уруш йилларида Қорақалпоғистондаги шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаёти тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1941-1945 йилларда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кундалик турмуши ва меҳнат фаолиятини ўрганиш;

Иккинчи жаҳон урушининг Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси ҳаётига таъсирини очиб бериш;

уруш даврида ўлкадаги шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

² Диссертациянинг 1-бобида батафсил ёритиб берилган.

фронтга ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига ёрдам бериш бўйича одамларнинг онгидаги ўзгаришларни кўрсатиб бериш;

Қорақалпоғистондаги шаҳарлар ва қишлоқларда аҳоли даромадлари даражаси ва турмуш шароитлари ўзгаришини тавсифлаш;

уруш йилларида аҳолига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1941-1945 йиллардаги уруш даврида Қорақалпоғистон аҳолисининг шаҳар ва қишлоқ кундалик ҳаёти тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини 1941-1945 йиллардаги уруш даврида Қорақалпоғистон шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кундалик меҳнати, ижтимоий фаолияти ва кундалик турмуш шароитларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихшунослик, тизимлик ва тарихий-ретроспектив таҳлил, фанлараро ёндашув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқ хўжалигида кўпроқ аграр соҳани ривожлантиришга йўналтирилганлиги боис қишлоқ аҳолисининг мутлақ устунлиги билан ажралиб турадиган Қорақалпоғистон аҳолиси уруш йилларидаги оғир ижтимоий-маиший шароитга ҳарбий омиллар жиддий таъсир этганлиги боис одамларни ижтимоий муҳитида шароитларига мослашиш усуллари ўзгарганлиги аниқланган;

шаҳар шароитидаги ахборот соҳасидаги тўлиқлик, ҳаққонийлик мазмуни ва кундалик эшиттиришлар рукнларидаги ижтимоий-маиший жиҳатлар, меҳнат фаолиятини бошқариш ва назорат қилишнинг қатъий сиёсатини амалга ошириш жамият эътиборининг максимал даражада фронтга ёрдам беришга қаратилишида ҳал қилувчи рол ўйнаганлиги исботланган;

аҳолининг сафарбарлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга анъанавий алоқалар, кадриятлар ва муносабатлар таъсирида шаклланган барқарор ахборот баланси ижобий таъсир кўрсатганлиги далилланган;

шаҳар аҳолисининг моддий-маиший шароитлари фақат энг зарурий эҳтиёжларни қондиришни таъминлаган бўлса, айти пайтда Қорақалпоғистон қишлоқ аҳолисига нисбатан улар овул ва қишлоқларнинг тўлиқ иқтисодий таназзулга учрашини акс эттириб, кундалик ҳаётнинг ахборот муҳити партия ва давлат тарғибот-ташвиқот машинасининг кучли таъсири остида шакллантирилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон аҳолисининг кундалик ҳаётини назарий-методологик ва тарихнавислик тадқиқотларининг муаммолар мажмуини янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган таълимни ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон тарихи фанидан Қорақалпоғистоннинг уруш йилларидаги тарихи, магистрантлар ва бакалаврият талабалари учун дарслик ва ўқув

қўлланмалардаги тегишли мавзуларни мазмунан бойитиш ҳамда ўқув дастурлари ва маърузаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин бўлган жиҳатлар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация тадқиқоти Қорақалпоғистон аҳолисининг уруш давридаги кундалик ҳаёти тарихига оид хотиралар, архив материаллари, статистик маълумотлар, даврий нашрлар материаллари асосида олиб борилганлиги, республика давлат архивлари³, газета ва журналлар⁴, хотиралар ва ёднома асарлар⁵, расмий статистик маълумотлар ва расмий ҳужжатлар тўпламларидан кенг фойдаланилганлиги ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан Қорақалпоғистон аҳолисининг Иккинчи жаҳон уруши давридаги кундалик турмуши тарихини ўрганишнинг илмий-тадқиқот усулларини ривожлантириш, шунингдек, Қорақалпоғистон аҳолисининг кундалик турмуши тарихини ўрганишнинг илмий изланиш усулларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қорақалпоғистоннинг энг янги тарихига оид янги тадқиқотларда, барча таълим муассасалари талабалари учун «Қорақалпоғистон тарихи» курсида, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва электрон нашрлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистоннинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги кундалик тарихини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган илмий хулосалар асосида:

халқ хўжалигида кўпроқ аграр соҳани ривожлантиришга йўналтирилганлиги боис қишлоқ аҳолисининг мутлақ устунлиги билан ажралиб турадиган Қорақалпоғистон аҳолиси уруш йилларидаги оғир ижтимоий-маиший шароитига ҳарбий омил таъсири жиддий сезилиб, одамларни ижтимоий муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мослашиш усуллари ўзгаришига олиб келганлигига оид натижалардан Қорақалпоғистон телерадиоканалининг «Фан ва таълим» ахборот-маърифий кўрсатуви сценарийсини тузишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2020 йил 19 октябрдаги 01-02/199-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши Қорақалпоғистон халқининг иккинчи жаҳон уруши давридаги кундаликли ҳаёти ҳақидаги маълумотлари ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилган;

³ ЎзР Миллий архиви, ҚР Марказий давлат архиви, ҚР Жўқорғи Кенгеси архиви, ЎзР илмий-техник ва тиббий ҳужжатлар Марказий давлат архиви.

⁴ «Совет Қарақалпақстаны» ва «Советская Каракалпакия», шунингдек қатор туман газеталари.

⁵ Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда ёднома адабиёти ривожланиб, ҳозирги Қорақалпоғистонда ёднома адабиёти муаллифлари ўтмишда таникли сиёсат, фан ва маданият арбоблари бўлган П.Сеитов, Қ.Камалов, С.Камалов, С.Каниязов ва бошқалардир.

шаҳар шароитидаги ахборот соҳаси мазмуни ва ижтимоий-маиший жиҳатлар, меҳнат фаолиятини бошқариш ва назорат қилишнинг қатъий сиёсатини амалга ошириш жамият эътиборининг максимал даражада фронтга ёрдам беришга қаратилишида ҳал қилувчи рол ўйнаганлигига оид натижалар мактаб таълим тизимига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 29 октябрдаги 01-01/05-4888-сон маълумотномаси). Натижада халқ таълими тизимидаги «Қорақалпоғистон тарихи» фани мазмунини такомиллаштириш ва юқори самарадорликка эришишга имкон берган;

аҳолининг сафарбарлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга анъанавий алоқалар, кадриятлар ва муносабатлар таъсирида шаклланган барқарор хатти-ҳаракатлар моделлари тўплами катта таъсир кўрсатганлиги бўйича натижалар мусиқа ва санъат мактаблари тизимига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2022 йил 11 февралдаги 2-04/157-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши мусиқа ва санъат соҳасида таълим мазмунини ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш усуллари билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этган.

шаҳар аҳолисининг моддий-маиший шароитлари фақат энг кичик зарурий эҳтиёжларни қондиришни таъминлаган бўлса, айти пайтда Қорақалпоғистон қишлоқ аҳолисига нисбатан улар овул ва қишлоқларнинг тўлиқ иқтисодий таназулга учрашини акс эттириб, шу билан бирга кундалик ҳаётнинг ахборот муҳити партия ва давлат ташвиқот машинасининг кучли таъсири остида шакллантирилганлигига оид натижалардан ЎЗРФА ҚБ Гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-176-06 “Қорақалпоғистонда демографик жараёнлар тарихи (XX асрнинг 30-40 йиллари)” (2006-2007 йй.) номли фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоғистон Гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 19 сентябрдаги 170^б/1-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши Қорақалпоғистон халқининг иккинчи жаҳон уруши давридаги кундаликли ҳаёти ҳақидаги маълумотлари ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий конференцияларида маъруза қилинди ва апробациядан ўтди.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, 1 та илмий-оммабоп китоб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузиридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 республика ва 3 хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот мақсади ва вазифаларига мувофиқ диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 137 саҳифани ташкил қилади.

АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги ҳақида маълумотлар, апробация, ишнинг нашр этилганлиги ва диссертация тузилиши асосланган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Тадқиқот мавзуси тарихнавислигида кундалик ҳаёт»** деб номланиб, Иккинчи жаҳон урушида халқимизнинг фашизм устидан умумий ғалабага қўшган ҳиссаси тарихи бўйича илмий ишлар таҳлилига бағишланган. Қорақалпоғистон тарихнавислигида ушбу мавзу алоҳида ўрин эгаллайди ҳамда илмий тадқиқотлар, илмий-оммабоп нашрларнинг улкан мажмуасига эга. Умуман, муаммо тарихнавислигини шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин – совет даври тадқиқотлари, Ўзбекистон олимларининг илмий асарлари ва мустақиллик даври Қорақалпоғистон тадқиқотчиларининг ишлари.

Дарҳақиқат, «Иккинчи жаҳон уруши Совет даври Ватан тарихшунослиги тадқиқотларида» деб номланган биринчи параграфда қорақалпоғистонлик Я.Досумов, С.Камалов, Ш.Бабашев, Ж.Уббиниязов, А.Панабергенов ва бошқалар⁶нинг илмий ишлари таҳлил этилган, шунингдек, ушбу тарихий давр республика олимлари ишлари натижалари

⁶ Бабашев Ш. Комсомол Каракалпакии в годы Великой Отечественной войны Советского Союза (1941-1945 гг.). Тарих фанлари номзоди дисс. автореферати.–Т., 1965; Яна: Воины комсомольцы Каракалпакии в боях за Родину. – Н., 1965; Яна: Труд во имя победы. – Н., 1980; Шарипова К.Г. Коммунистическая партия – организатор трудовых подвигов рабочих и крестьян Каракалпакской АССР в годы Великой Отечественной войны. Тарих фанлари номзоди дисс.автореферати. – М., 1966; Яна: Борьба партийной организации Каракалпакии за развитие хлопководства в годы Великой Отечественной войны // Общественные науки в Узбекистане. 1966. № 6; Яна: Перестройка партийно-политической и организационной работы партийной организации Каракалпакии в начальной период Великой Отечественной войны // ЎзР ФА ҚҚБ Ахборотномаси. 1971, № 1; Яна: Каракалпақстан партия шөлкеми Уллы Ўатандарлық урыс жылларында. – Н., 1974; Мамбетуллаев М. История орошения Каракалпакской АССР (1937-1965 гг.). Тарих фанлари номзоди дисс.автореферати – Т., 1967; Урумбаев Ж. Народное образование Каракалпакской АССР за 50 лет (1917-1967 гг.). – Н., 1967; Яна: Очерки истории школ Каракалпакстана (1910-1967 гг.). – Н., 1974; Бекимбаев А., Уббиниязов Ж. Развитие народного хозяйства Каракалпакской АССР // Каракалпакская АССР в братской семье советских республик. Н., 1964. 48-77-бетлар; Уббиниязов Ж. История развития промышленности Каракалпакской АССР. Тарих фанлари номзоди дисс.автореферати. – Ташкент, 1964; Яна: Мойнак балық консерва комбинаты. – Н., 1980; Калбаева Р.Ш. Женщины Советской Каракалпакии в коммунистическом строительстве. – Н., 1972; Кетебаева Б. Куяшлы Қарақалпақстанның ҳаял-қызлары. – Нөкис: «Қарақалпақстан»; Рзаев К., Медетуллаев Ж. Развитие экономики Каракалпакии за пятьдесят лет (1924-1974 гг.). – Н., 1974; Набиев Р.В. Развитие автомобильного транспорта в Каракалпакии (1917-1960 гг.). – Н., 1961; Баяндиев Т. Каракалпакский государственный театр им. К.С.Станиславского. (1930-1967 гг.). Очерки истории. – Т., 1971; Тулепов О., Ибрагимов М. Пищевая промышленность ККАССР и пути ее развития. – Н., 1973; Аметов К. Аграрная политика советской власти в Каракалпакии. – Н., 1972; Панабергенов А. Советская Каракалпакия в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.). – Н., 1980; Сарыбаев К. Аграрный вопрос в Каракалпакии. – Н., 1972; Яна: Роль орошения в социально-экономическом развитии Каракалпакстана. – Н., 1986; ва х.

йиғилган жамланма асарларда ўз аксини топганлиги таъкидланади⁷. Уларда уруш йилларидаги Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи муаммоси қатъий тартибга солинган методологик доирада кўриб чиқилиб, унда совет-партия органларининг раҳбарлик роли ва республиканинг барча меҳнат ва хомашё ресурсларини сафарбар этиш устуворлик қилган. Ўз даврининг тарих фанининг ютуқлари даражасида ёзилган ушбу асарларга муносиб ҳурмат кўрсатган ҳолда, шунга қарамадан таъкидлаш керакки, уларда тарихий жараёни муваффақиятдан муваффақиятга тизимли, узлуксиз ривожланиш сифатида баҳолашга интилиш мавжуд бўлиб, эски догматик ёндашувнинг акс-садоси кузатилади.

Қорақалпоғистон тарихчиларининг тадқиқот ишлари натижаларини хулоса қилиб, ўтган асрнинг 80 йиллари ўртасида Т.К. Алланиязов: «Уруш шароитида тиббий хизмат кўрсатиш, жисмоний тарбия ва спорт, маданий-маърифий муассасалар фаолиятининг ҳолати ва ривожланиши масалалари тадқиқотчилар диққатидан четда қолган. Шу пайтгача уруш йиллари ҳужжатлари тўплами, хусусан, фронтга ва фронтдан келган мактублар тўпламини тайёрлаш ва нашр қилиш қўлга олинмаган»⁸ деб кўрсатиб ўтган.

Совет даври тарихшунослигини умумлаштирган ҳолда таъкидлаш лозимки, мафкуравий конъюнктура туфайли тадқиқ этилган методологик ёндашув сабаб, ушбу илмий асарларда тадқиқ этилаётган мавзу бир томонлама ёритилган, муаммонинг кўплаб аспекти етарлича ўрганилмасдан қолди, баъзи хулосалар эскирди. 1980 йилларнинг иккинчи ярмида тарихий тадқиқотларнинг методологик ёндашувида баъзи ўзгаришлар содир бўлди. «Қайта қуриш» билан боғлиқ демократизация жараёнларининг ривожланиши вақтида ушбу ўзгаришлар тарих фанларининг ривожланишига туртки берди, аммо, шу билан бирга «қайта қуриш» даври тарихчиларининг тадқиқотлари эски концептуал-методологик ёндашувлар таъсиридан тўлиқ ҳалос бўлмаганлигини кўриш мумкин. Шундай зиддиятли вазият ушбу даврдаги бошқа ишлар учун ҳам хос бўлди. Шунингдек, совет даврида чоп этилган илмий тадқиқотларда Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон тарихи акс этади⁹. Хусусан, Э.Воскобойников, И.Пулатов илмий ишларида ўзбек халқининг фронтлардаги жасорати ва фронт ортидаги оғир меҳнати ҳақида сўз боради, Р.Аминова ишида эса уруш йилларида Ўзбекистон колхозларида олиб борилган сиёсат акс этган.

⁷ Очерки истории Каракалпакской АССР. – Т., 1964; Каракалпакия в период победы социализма и коммунистического строительства. – Т., 1969; Экономическое преобразование Каракалпакии за годы советской власти. – Н., 1969; История Каракалпакской АССР. – Т., 1974; История рабочего класса Советского Каракалпакстана. – Т., 1977; История Каракалпакской АССР. – Т., 1986;

⁸ Алланиязов Т.К. Некоторые итоги изучения истории советского Каракалпакстана периода Великой Отечественной войны // ЎЗР ФА ҚҚБ Ахборотномаси. 1985, №1, 48-б.

⁹ Воскобойников Э.А. Ўзбек халқи улуғ Ватан уруши йилларида. –Т., 1947; Пулатов И. Из истории участия народов Средней Азии в Великой отечественной войне. –Т., 1966.; Узбекистан в годы Великой Отечественной войны (1941-1945гг.). –Т., 1966; Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. – Т., 1975; Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны (1941-1945гг.). – Т., 1981-1985; ва ҳ.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи «Мустақиллик йилларида мавзунинг Ватан тарихшунослигида ўрганилиши» деб номланади. Унга Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ёзилган ишлар киритилган, уларда Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон тарихи янги ёндашувларда ва воқеалар талқинида Д.А.Алимова, Л.С.Иванова, Х.И. Азимов, А.Бодиров ва бошқалар¹⁰ илмий асарларида тавсифланади. Умуман олганда, шу вақтга қадар мақсадлари аввал қилинган ишни ўрганиш, эришилган ютуқлар таҳлили, ҳар хил йўналишлардаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳисобланган илмий тадқиқотлар тадқиқ этилган.

Агар Д.Ли тадқиқотларида уруш йилларида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли халқларнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш масалалари ўрганилган бўлса, Х.И.Азимовнинг илмий ишида ўзбек аскарлари билан боғлиқ масалалар очиб берилган, Х.Б.Бабаджанов диссертациясида эса Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётида трансформация жараёнлари тавсифланган¹¹. Шунингдек, мазкур даврда совет ҳокимияти ижтимоий сиёсати тарихига бир мунча эътибор қаратила бошланди, уларнинг орасидан қатор тадқиқотларни ажратиш мумкинки, улар биз қараб чиқаётган даврнинг кундалик ҳаётининг у ёки бу масалаларини фрагментар акс эттирган. Жумладан, С.Камалов, Б.Қошанов, Р.Уразбаева, Я.Абдуллаева, М.Сарыбаев, С.Нуржанов ва бошқалар¹² ишларида шундай ҳолатлар мавжуд,

¹⁰ Алимова Д.А., Иванова Л.С. 50 лет изучения история Узбекистана в годы войны 1941-1945 гг. Современные задачи и перспективы её историографии. – Т., 1995; Азимов Х.И. Ўзбекистонликлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида. – Т., 2006; Голованов А.А., Саидов И.М. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарқанд, 2006; Бодиров А. Самарқанд Иккинчи жаҳон уруши йилларида. – Самарқанд, 2015. ва ҳ.

¹¹ Ли Д.М. Укрепление сплочённости народа Узбекистана в период войны с германским фашизмом. (1941-1945гг.). Автореф. дисс. канд.ист.наук. – Андижан, 1997; Бабаджанов Х.Б. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг трансформацияси: жараёнлар ва муаммолар. PhD дисс. Автореферати. – Тошкент: 2018. – 46 б.; ва ҳ.

¹² Камалов С.К. Социально-экономическое положение Каракалпакстана и Аральская катастрофа (1917-1990 гг.) // ЎЗР ФА ҚҚБ Ахборотномаси, 1999, №6; Камалов С.К. Қошанов Б.А. Проблемы истории XX века // ЎЗР ФА ҚҚБ Ахборотномаси., 1996, №2; Қошанов Б., Елмуратова А. Уллы ўатандарлық урыс жыллары Қаракалпакстанда халық ден саулығын сақлау хызметиниң тарийхынан. –Н., Қаракалпакстан,1996; Қошанов Б., Отегенов Х. Очерки истории Каракалпакстана (1916-1991 гг.). –Н., Каракалпакстан, 2021; Уразбаева Р. Из истории высшего и среднего специального образования Каракалпакстана. –Н., 1994; Яна: История образования Каракалпакстане (последняя четверть XIX - начало XXI вв.). – Т., 2011. Яна: История образования Каракалпакстана. Тарих фанлари доктори дисс.автореферати – Т., 2009; Абдуллаева Я. Қаракалпакстан ҳаял-қызлары екинши дунья жүзлик урыс жылларында // ЎЗР ФА ҚҚБ Ахборотномаси., 2003, № 5, 72-73-бетлар; Яна: Қаракалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. –Т., 2004; Ахметшин Р.Ш. Культурно-просветительные учреждения Каракалпакстана (второй половине 40-50-х годов). Тарих фанлари номзоди дисс.автореферати Нукус, 1996; Мадреймов Т. История возникновения и развития средств массовой информации Каракалпакстана в 1930-1990 гг. (радиовещание и телевидение). Тарих фанлари номзоди дисс.автореферати. Нукус.,1997; Сарыбаев М. История хлопководства Каракалпакии в годы войны (1941-1945 гг.). // ЎЗР ФА ҚҚБ Ахборотномаси., 2005, № 4, 50-53-бетлар; Яна: Политика хлопковой монокультуры советской власти в Каракалпакстане и её последствия (1917-1990 гг.). – Ташкент, 2008; Яна: Политика хлопковой монокультуры советской власти в Каракалпакстане и её последствия (1917-1990 гг.). Тарих фанлари доктори дисс...автореферати. – Ташкент, 2008; Нуржанов С. Новостная пропаганда в годы Второй мировой войны: особенности и последствия // ЎЗР ФА ҚҚБ Ахборотномаси. 2016, №3.- 109-112-бетлар; Яна: История периодической печати Каракалпакстана (1924-1953 гг.). Тарих фанлари доктори дисс.автореферати (DSc). – Нукус, 2022; Идрисов Р. Книжно-издательское дело в Каракалпакстане в 1940-1950-е годы // ЎЗР ФА ҚҚБ Ахборотномаси. 2019, №2, 108-б; Яна:

шунингдек, 2003 йили нашр қилинган «Қорақалпоғистоннинг янги тарихи» фундаментал жамоавий ишни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

К.Тангирбергенова тадқиқотлари новаторлик иш ҳисобланади, у ушбу мавзуга илмий ва илмий-публицистик характердаги қатор қизиқарли мақолаларни бағишлаган, 1991 йили эса кўп сонли тарихий материаллар асосида у номзодлик диссертациясини¹³ ёзди, унда XX аср 40-йиллардаги Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий тарихи тўлиқ очиб берилди.

Шундай қилиб, қаралаётган хронологик доирада, XX аср 40-йилларидаги Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати муаммоси бўйича Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги давридаги илмий адабиётлар тарихнавислик шарҳи, уларнинг режа ва хулосалари таҳлили мавзу тадқиқотида йирик қадамлар ташланганлигини кўрсатади. Лекин, ушбу ишларда 1941-45 йиллардаги қорақалпоқ жамиятининг кундалик ҳаёти унинг баъзи бир жиҳатларида фрагментар ўрганилади. Таъкидлаш лозимки, Қорақалпоғистоннинг бевосита кундалик ҳаётига тегишли жараёнлар етарлича ёритилмаган. Тарихнавислик таҳлили кўрсатишича, ҳозирги вақтда тарихнавислик 1941-45 йиллардаги Қорақалпоғистоннинг кундалик ҳаёти тарихига бағишланган махсус ишга эга эмас.

«1941-1945 йилларда Қорақалпоғистоннинг шаҳарлари ва шаҳарликлар ҳаёти» деб номланган иккинчи бобда уруш арафасидаги Қорақалпоғистоннинг шаҳар турмуши ҳолати, уруш йилларидаги шаҳар аҳолиси кундалик ҳаёти, уларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва моддий-маиший ҳолатини таъминлаш масалалари ёритилган.

Шундай қилиб, «Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол» деб номланган биринчи параграфда 1939 йилги аҳоли сонини қайта ҳисоблашга мувофиқ Қорақалпоғистонда 469702 нафар одам яшаган, улардан 57802 нафари шаҳар аҳолиси¹⁴ деб қайд этилади. Республика пойтахти – Нукус шаҳрида 1940 йиллар бошида 14 мингга яқин фуқаро ҳисобга олинган¹⁵. 1941 йили аҳолининг ўртача табиий ўсиши 5622

Қорақалпоғистонда китоб нашриёти тарихи (1924-1991 йй.). Тарих фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) дисс автореф – Нукус, 2021; ва х.

¹³ Тангирбергенова К. Комсомол Каракалпакии - фронту. //В сб.: Актуальные проблемы коммунистического воспитания молодежи. Тезисы докладов Республиканской научно-теоретической конференции молодых ученых и специалистов. Ташкент, 1986. 34-36-бетлар; Яна: Трудовой подвиг колхозного крестьянства Каракалпакстана в годы Великой Отечественной войны. Общественные науки. //Тезисы докладов научно-теоретической конференции. Нукус, 12-13 апрель. 1986.–Н., 1986. 45-47-бетлар; Яна: Новые архивные данные для изучения истории Каракалпакии в годы Великой Отечественной войны. // ЎЗР ФА ҚҚБ Ахборотномаси, 1990, № 1, 67-74-б; Яна: Укрепление дружбы народов в суровые годы войны (на материалах Каракалпакии). //Тезисы докладов IX-ой научно-теоретической конференции молодых ученых и специалистов. Нукус, 24 май 1990.–Н., 1990, 50-52-бетлар; Яна: Основная деятельность Каракалпакского промышленного союза в годы Великой Отечественной войны. //Тезисы докладов I-ой Республиканской научно-теоретической конференции молодых ученых и специалистов Каракалпакии. Нукус, 1991, 47-49-бетлар; Тангирбергенова К. Экономика Каракалпакии в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.). Тарих фанлари номзоди дисс.автореферати.–Т., 1991; Яна: Развитие промышленности и подготовка квалифицированных кадров Каракалпакстана в годы второй мировой войны. ЎЗР ФА ҚҚБ Ахборотномаси. 2007, №3, 74-75-бетлар.

¹⁴ Всесоюзная перепись населения 1939 года: основные показатели. – Москва, 1992. 26-б.

¹⁵ Народное хозяйство СССР. 1922-1972. Юбилейный статистический ежегодник. – М., 1972.– 25-б.

нафар одамни ташкил қилган, лекин архив ҳужжатларида тасдиқланишича, «рақамлар ҳақиқатликдан бир қанча узоқ, хаттоки шаҳарларда вафот этганларнинг ҳаммаси ҳам рўйхатга олинмаган, қишлоқ жойлардаги вафот этган инсонларни рўйхатга олиш бўйича ҳеч ким шуғулланмаган»¹⁶.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Қорақалпоғистон АССРда, шунингдек аҳолининг кундаликли ҳаёти даражасини кўтариш борасида маълум ютуқларга эришилган. Масалан, 1938 йили шаҳарларда, айниқса Нукусда саноат, транспорт, алоқа хизматининг ривожланиши кўзга ташланади, маориф соҳасида, маҳаллий аҳолидан педагогик, илмий ва бошқа кадрларни тайёрлашда катта ютуқларга эришилган. Фақатгина 1938-1940 йилларда ушбу соҳага 20,3 млн. рубль жалб қилинган. Натижада республикада саноат корхоналарининг сони 89 гача етган¹⁷. Қўнғиротдаги пахта тозалаш заводи шу даврда эксплуатацияга киритилган йирик саноат корхоналари бўлиб, у янги замонавий техника билан жиҳозланган, пахта-хом ашёни тозалашнинг барча жараёнлари механизацияланган бўлган, шунингдек Нукус ғишт заводи ва брикет-камиш ишлаб чиқариш, Нукус ёғочни қайта ишлаш фабрикаси ва бошқа да кўплаб кичик корхоналар ва артельлар мавжуд бўлган, масалан Қўнғиротда 100 га яқин корхона (пахта заводлари, балиқ заводлари, пойабзал, қурилиш материаллари ва ҳ.к. ишлаб чиқариш бўйича артельлар) фаолият олиб борган, унда 537 ишчи ишлаган¹⁸. Тўрткўлда, Хўжайли ва Чимбойда пахта тозалаш заводлари бўлган, Тўрткўлда марказий типография (босмахона) қолган, Чимбой ва Мўйноқда ҳам босмахоналар бўлган, шаҳар ҳудудида Хўжайли кемасозлик устахоналари, йилига 47 минг тонна ишлаб чиқариш қувватига эга ёғ ишлаб чиқариш заводи, йилига 6000 т. ун йиллик қувватига эга Нукус тегирмони ва беда тозалаш заводи ишлаган.

Шаҳарларда нафақат саноат, шу билан бирга ижтимоий инфратузулма тўпланган. Биринчи навбатда, таълим ва тиббиёт муассасалари тармоқлари шаклланган. Шаҳарларда мактаблар, ўрта махсус билим юртлари тармоғи фаолият олиб борган, кутубхоналар, бошқа ижтимоий объектлар ишлаган. Шаҳарларда тиббиёт муассасаларининг (шифохона, санитар-эпидемиологик хизмат) иши, тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўлга қўйилган. Мисол учун, Нукусда республика шифохонасининг биноси қурилган, койкаларнинг бир қисми томли ёғоч бинода бўлган, аксарият тиббиёт муассасалари (кўз шифохонаси, таносил касалликлари шифохона) шаҳарнинг эски қисмида жойлашган. Тўрткўлнинг даволаш муассасалари бир қаватлик бинолари бозордан узоқ эмас ўринда жойлашган. Хўжайлидаги касалхона Почтовая кўчаси бўйлаб жойлашган бўлиб, ғишдан қурилган, томи ёпилган эди. Қўнғиротдаги шифохона хом ғишдан солинган. Ҳар бир шаҳарда поликлиника фаолият юритган. Масалан, Хўжайли шифохонаси

¹⁶ ҚР МДА, 273-фонд, 1-руйхат, 122-иш, 58-варақ.

¹⁷ Уббиниязов ж. От кустарщины до современной промышленности. – Нукус, 1971, 121-б.

¹⁸ Уббиниязов Дж. От кустарщины до современной промышленности. Нукус, 1971, 123-б.

аралаш типдаги бўлиб, 80 ўринга мўлжалланган эди, шаҳар аҳолисига, шаҳар поликлиникалари йўлланмасига кўра кишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатарди. Барча тиббиёт муассасалари қисман электрлаштирилди, ҳатто республика шифохонаси ҳам ёғоч билан иситилди. Асосий муаммо тиббиёт ходимларининг камлиги эди.

Республиканинг бутун шаҳар аҳолиси учун битта ҳолат одатий ҳолдир: шаҳарларнинг марказий қисмида маъмурий муассасалар ва идоралар жойлашган кўчалар мавжуд бўлган, уларнинг атрофида хусусий уйлар ва фуқароларнинг хонадонлари, баъзан тасодифий тарзда жойлашган. Жумладан, академик М.Нурмухамедов ўз хотираларида Хўжайли шаҳрининг чеккаси ҳақида шундай ёзган: «Кўхна Хўжайлининг уйлари ва кўчаларидан меъморчилик тафаккури изларини изласангиз, беҳуда уринманг. Сиз уларни топа олмайсиз. Менимча, одамлар ўзларига уй-жой ва деворлар қураган, фақат аравага, одам, эшак, сигир ва отлар учун ўтиш жойи қолдиришга келишиб олган. Бинобарин, Хўжайли кўчалари ўз-ўзидан, энг кутилмаган жойларда пайдо бўлгандек бўлади»¹⁹.

Бошқа шаҳарлардан фарқли ўлароқ, Тўрткўл ва Нукус бир оз бошқача эди. 1930-йилларнинг охирларида Тўрткўл ҳали ҳам маъмурий марказ бўлиб қолган, бу ерда «шаҳар» тушунчасига кўпроқ мос келадиган пишиқ ғишдан қурилган ҳукумат уйлари мавжуд эди. Қорақалпоғистоннинг Чимбой, Хўжайли, Шаббаз, Нукус каби шаҳарлари «катта кишлоқларга ўхшарди ва у ёки бу шаҳарни марказга айлантириш учун уй-жой, коммунал ва ижтимоий-маданий қурилишга деярли бир хил капитал қўйилмалар зарур эди»²⁰.

«Уруш даври шароитида шаҳар аҳолиси турмуш тарзини таъминлашнинг асосий йўналишларини шакллантириш» деб номланган иккинчи параграфда 1941 йилнинг иккинчи ярмида Қорақалпоғистоннинг кундалик ҳаётида мамлакатнинг ҳаётини урушга мослаштирилиб қайта қуриш вазифаси қўндаланг қўйилганлигидан дарак беради, деб таъкидланади ва бунинг энг муҳим асосий шарт сифатида меҳнаткашлар томонидан хавф-хатарни чуқур ҳис қилиш, хотиржамлик, беғамлик, бепарволик кайфиятидан воз кечиш зарурлиги илгари сурилди. Ҳар томонлама тартибга солиш, меҳнат ва ҳаётни қатъий регламентациялаш, ишлаб чиқариш ва аҳоли учун карточка тизими шаклида мажбурий тақсимлаш ва бошқа иқтисодий фаолиятни чеклаш нафақат оқланган, балки ҳозирги фавқулодда вазиятларда ягона мумкин бўлган чоралар эди»²¹.

Шаҳарларда корхоналар, саноат артеллари ва бошқа саноат тармоқларида қатъий тартиб-интизом ўрнатилди. 1941 йил июль ойида Республика Халқ Комиссарлари Кенгаши ва Ўз КП (б) Қорақалпоқ партия кўмитасининг «Аҳолини ҳаво ва кимёвий мудофаага умумий мажбурий

¹⁹ Академик Марат Нурмухамедов. Прыжок. – Ташкент, 2020..60-61-бетлар.

²⁰ Пискунова И. К вопросу о состоянии автомобильных дорог и автотранспорта в Каракалпакстане (30-е годы XX века). // ЎзР ФА ҚҚБ Ахборотномаси, 2012. №2. 67-б

²¹ Ольшанский А., Арзымбетов У. Единой семьей в боях за Родину. - Нукус. 1981. —12-б

тайёрлаш тўғрисида»²² қарори қабул қилинди. Тарғибот-ташвиқот ишлари фаол олиб борилди. Масалан, урушнинг дастлабки босқичида чақирилувчилар учун муайян шартлар, масалан, маълум билим даражаси, хусусан, рус тили ва техник кўникмалар бўйича, белгиланди. 1941 йил 30 сентябрда бу масала бўйича Қорақалпоғистон ХККнинг махсус қарори қабул қилиниб, унга кўра рус тилига ўқитиш, кириллицада алифбо ва ёзувни ўргатиш учун 4491 нафар шаҳарликни ва 33013 нафар қишлоқ аҳолисини жалб этиш режалаштирилган эди.

«Шаҳар аҳолисининг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш ва моддий-маиший аҳволи» деб номланган учинчи параграфиди оддий инсонлар ҳаётида туб ўзгаришлар урушнинг биринчи кунлариданоқ кўзга ташланди деб таъкидланган. Биринчи навбатда уруш инсонларни озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш муаммосини тезкор ечишни талаб қилди. Озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ортиши, мамлакатнинг кўплаб аҳоли пунктларида давлат харидларининг кенг кўламда ўтказилиши озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислигига ва уларнинг нархи ошишига олиб келди. Бозор озиқ-овқат фондлари улушининг қисқариши ва товар-пул муносабатларининг беқарорлиги натижасида фуқароларни озиқ-овқат билан таъминлашнинг тўлиқ марказлашуви амалга оширилди, бунинг учун 1941 йил июлидан бошлаб мамлакатда уларни карточка тизими асосида меъёрлаштирилган таъминлаш жорий этилди. Унинг моҳияти озиқ-овқатнинг асосий турларини (нон, шакар, дон, гўшт) ва халқ истеъмол товарларини қатъий белгиланган нархини кўрсатган ҳолда талонлар бўйича тақсимлашдан иборат эди.

Қорақалпоғистонда озиқ-овқат карталари дарҳол муомалага кирмади: ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар учун озиқ-овқат карточкалари (продкарточкалар) аҳолининг қолган қисмига қараганда анча олдин жорий қилинган. 1941 йил октябр ойида Республика Халқ Комиссарлари Кенгаши қошида Республика озиқ-овқат карточкалари бюроси тузилиб, ноябрь ойидан бошлаб уларни беришни бошлади. Номенклатура ходимлари ҳам Ўзбекистон ССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 1941 йил 30 октябрдаги буйруғига асосан 1-тоифали ишчилар ва муҳандис-техник ходимларга тенглаштирилди ва республика совет-партия аппаратининг бутун тепа қисми аҳолининг асосий қисмидан фарқли ўлароқ, озиқ-овқат ва саноат товарлари учун карточкаларни олди²³.

Сув таъминоти шаҳарликлар учун яна бир муҳим муаммога айланди. Аҳолининг мутлақ кўпчилиги ўз эҳтиёжларини қондириш учун каналлар ва ҳовузлардаги сувдан фойдаланган. Бунинг натижасида шаҳарда юқумли ичак касалликлари, паразитар тиф касаллиги кенг тарқалди. Шаҳарларда шифокорлар кўп ҳолларда ўткир ўпка касалликларидан (грипп, қизамиқ), кейин сил, ошқозон-ичак касалликларидан (дизентерия, гемаклоит) ўлимни

²² ҚР МДА, Р-322-фонд, 1-руйхат, 802-иш, 106-варақ.

²³ ҚР МДА, Р-322-фонд, 1-руйхат, 796-иш, 61-варақ.

кайд этдилар²⁴. Тиббиёт эпидемиологларининг фидокорона меҳнати алоҳида кайд этиш лозим. Улардан шифокорлар О.А.Горячева, М.Л.Кузмичева, Ш.Юрхановаларни, фельдшерлар ва ҳамширалар Л.Мамонова, С.К.Галченко, Е.К.Корнилова (Нукус санитария-эпидемиология бўлими), М.Околицина, Н.Гулич, И.Помольцева (Тўрткўл) ва бошқаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Архив материалларида айтилишича, «Ҳар қандай об-ҳавода эпидемиологик ўт олиш хавфи таҳдид соладиган жойга, бошқаларни орқасидан эргаштириб, бўйин товламасдан етиб келадиган, борадиган, югурадиган бу зарбдор, енгил оёқли кавалерия том маънода эпидем ўчоқларни ҳужум билан эгаллайди... Аксарият санитария-эпидемиология станцияларининг (Нукус, Чимбой, Тўрткўл, Мўйноқ ва бошқалар) раҳбар ходимларига келадиган бўлсак, улар уруш даврида бўлиши керак бўлганидек, кўрқувдан эмас, балки виждонан, вақт ва куч билан ҳисоблашмасдан меҳнат қилган»²⁵.

Учунчи боб – «1941-1945 йилларда қишлоқ кундалик ҳаёти» деб номланиб унда қишлоқ аҳолисининг турмуш ва меҳнат шароитлари, унинг ижтимоий фаоллиги масалалари, моддий-маиший ва ижтимоий ҳаёти муаммолари ўрганилган.

«Қорақалпоғистон қишлоқ аҳолисининг яшаш ва меҳнат шароитлари» параграфида Қорақалпоғистон қишлоқ аҳолиси сони ҳақида маълумотлар келтирилган. Шундай қилиб, 1939 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, 411900 кишини (217171 нафар эркак ва 194729 нафар аёл) ташкил этиб, бу умумий аҳолининг 87,7 фоизини ташкил қилди²⁶. Республика аҳолиси таркибида қишлоқ аҳолисининг кўп бўлиши ердан фойдаланиш характери ва одамларнинг миллий-маиший хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кундалик амалиёти билан боғлиқ эди.

Иккинчи жаҳон уруши Қорақалпоғистон овуллари ва қишлоқларидаги тинч аҳоли ҳаётига Совет Ахборот бюроси хабарларининг қаттиқ, кўрқинчли ҳақиқати ва ҳарбий комиссарликларнинг чақирув хатлари орқали кириб келди. Бундан ташқари, СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1941 йил 26 июндаги «Уруш давридаги ишчилар ва хизматчиларнинг иш вақти тўғрисида»ги қарори билан мажбурий кўшимча иш вақти жорий этилди: катталар учун олти кунлик иш ҳафтасида иш куни - 11 соатгача белгиланди. Яъни, фашистлар Германиясининг СССР ҳудудига бостириб кириши меҳнат интизомини янада қаттиқ кучайтирди. Ўшбу даврда давлат ҳокимияти юқори бўғинининг роли ошди. Урушдан олдин ҳам аниқ созланган, батафсил раҳбарлик механизми янада кескинлик билан ишлай бошлади. Вакиллар тизими кенг тарқалди. Овуллар ва қишлоқларда фавқулодда органлар - МТС ва совхозларнинг сиёсий бўлимлари яна ташкил этилди. Ҳарбийлаштириш режа-буйруқни сўзсиз бажаришни, уни бузганлик учун интизомий

²⁴ ҚР МДА, Р-273-фонд, 1-руйхат, 122-иш, 59-варақ.

²⁵ ҚР МДА, Р-278-фонд, 1-руйхат, 122-иш, 67-варақ.

²⁶ Всесоюзная перепись населения 1939 года: основные итоги. – Москва, 1992. 26-б

жавобгарликни ва зарурат туғилганда казарма режимини жорий қилишни назарда тутган.

Қишлоқ аҳлидан режалаштирилган кўрсаткичларни ортиғи билан бажариш йўлида тинимсиз меҳнат қилиш талаб этилди. Фахрийларнинг даврий матбуотдаги хотираларидан маълум бўлишича, колхозчилар кундузи пахта териб, кечки пайт ғўза пайчаларини очиб, қора уйларда, ертўлаларда қуришиб, эрталаб пахта пунктларига топширишган. Меҳнат фахрийси У.Тлеубергенов уруш йилларида одамлар эрта тонгдан қазишга бориб, бўйинтурукқа қўшилган хўкизлар билан ер хайдаб, ерни қўлда қазиб, пахта, жўхори, шоли, беда, сули экишганини эслайди. Йиғилган ҳосилни топшириб, яна ишга киришарди. Яхши пойабзал, кийим-кечак йўқ, нон ва озиқ-овқат етишмасди. «Шерим этик» ёмғир ва қордан ҳўлланиб, оёқлардан йиртилиб тушарди. Этикларни оёғида ушлаб туриш учун уларни кендирдан ясалган арқонлар билан боғлашди. Кўпчилик ҳатто ялангоёқ ҳам ишга борган²⁷.

Ишчи қўллари етишмаслиги туфайли 1941 йилнинг кузида пахта теримига ўқувчилар ва талабалар жалб қилинди. Шу тариқа академик С.Камалов 1941 йилнинг кузида уруш туфайли талабалар биринчи марта пахта теримига чиқарилганини эслайди. Ўшандан буён талабалар баҳорда ўтоққа, кузда эса пахта теришга чиқадиган бўлди²⁸. Буни Қ.Камалов ҳам тасдиқлаб, 1942 йилнинг кузида ўқиш бошланганидан бир ярим ой ўтгач, институтга партия комитети котиби О. Татыбаев келиб, йиғилиш ўтказиб, талабаларни пахта теримига жўнатганини таъкидлаган²⁹.

1942 йилдан бошлаб ўсмир мактаб ўқувчилари ҳам қишлоқ хўжалиги ишларига оммавий равишда жалб қилинган. Дастлаб улар пахта далаларида ўтоқда, ёзда буғдой ўриб, бошоқ теришда, кузда эса пахта теришда фойдаланилган. Масалан, ўша даврдаги газеталар Қўнғирот туманидаги Сталин номидаги тўлиқсиз мактаб ўқувчилари колхозга амалда ёрдам бериб, ёзги таътилда пахта етиштириш ва ғалла йиғим-теримида фаол иштирок этмоқда, деб ёзган³⁰.

Ишчиларнинг колхозлардаги меҳнатидан тушган пул даромадлари оз эди, бундан ташқари, ундан доимий равишда Мудофаа жамғармаси ҳисобига ушлаб турилган. Қишлоқ аҳолиси даромадларининг асосий қисмини шахсий ёрдамчи хўжаликларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ташкил этди. Бундан ташқари, улар турли солиқлар - гўшт солиғи, деҳқончилик учун солиқ ва ҳоказоларни тўладилар. Қаттиқ бошқарув бўйинтуруғи остидаги республика оддий аҳолисининг барча саъй-ҳаракатлари режали топшириқларни бажаришга қаратилган эди. Натижада 1943 йилда давлатга пахта ва ғалла топшириш режаси 105 фоизга бажарилди³¹. Шу билан бирга қишлоқ аҳолиси ўз эҳтиёжлари учун етиштирган ортиқча ҳосилни топширишга мажбур

²⁷ Тилеўмуратов У. Өмир өткеллери. – Нөкис, 2009. 9-б.

²⁸ Камалов С. Өмирим сабақларын... – Нөкис, 2019. 12-б.

²⁹ Камалов К. Ел хызметинде. – Нөкис, 1995. 10-б.

³⁰ Қызыл Қарақалпақстан, 1943, 10-июль

³¹ Советская Каракалпакия, 1944, 22-апрель.

килинди. Статистик маълумотларга кўра, 1940 йилда давлат 45 минг тонна, 1943 йилда эса 88 минг тонна топширилган. Аҳолини етиштирилган гуруч, кунжут, картошка, сабзавотни топширишга мажбур қилишган, бунинг натижасида 1943 йилда режадагидан ортиқ 304,7 минг пуд шоли, 3402 минг пуд кунжут, 25,8 минг пуд картошка, 22 минг пуд сабзавот топширилди³².

1944 йил қишлоқ аҳолиси учун оғир об-ҳаво шароити билан бошланди: совуқ киш ва кеч куз колхозчиларни апрель ойида экишга тайёргарлик кўришга мажбур қилди. 700 га тракторнинг 300 га яқини далага кетгани, қолганлари эҳтиёт қисмлар йўқлиги сабабли ҳали ҳам устахоналарда қолиб кетгани, агар улар чиқса ҳам, маълум вақтдан кейин таъмирга тўхтаб қолиши вазиятни янада оғирлаштирди³³.

Шунга қарамай, 1944 йилда 60 фоизга яқин ер тракторлар билан ҳайдалди ва колхозчиларнинг ақл бовар қилмайдиган меҳнатлари муносиб тақдирланди: бу йилги пахта йиғим-терими режаси ортиғи билан бажарилди. Маҳаллий саноат маҳсулоти 3,4 миллион рублгача ошди, Хўжайли кўнчилик заводи, Нукус пойабзал фабрикаси, тикувчилик ва йигирув-тўкув фабрикалари, Шаббаз ва Тахтакўпир туманларида иккита кичик пахта тозалаш заводлари қурилди³⁴.

